

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Ислом Каримов номидаги Тошкент  
давлат техника университети  
Кўқон филиали директори в.б.**



**М.С.Максудов**

2024 йил « 28 » 07

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
КЎҚОН ФИЛИАЛИ ХУДУДИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА 400  
ЎРИНЛИ ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИ БИНОСИНИ ҚУРИШ, ЖИҲОЗЛАШ ВА  
БИНОДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЛОЙИХАСИ КОНЦЕПЦИЯСИ**

**I. Лойиҳанинг тавсифи**

Лойиҳанинг номи:	Талабалар турар жойи биносини қуриш
Тармоқ номи:	Олий таълим
Лойиҳа тури:	Талабалар турар жойини лойиҳалаш, қуриш, жиҳозлаш, фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми	400 ўринли талабалар турар жойини барпо этиш
Давлат шериги:	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Кўқон филиали
Лойиҳа жойлашган жойи:	Фарғона вилояти, Кўқон шаҳри, Усмон Носир кўчаси 4 уй, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Кўқон филиали ҳудудида

**II. Дастлабки танлов натижалари**

**ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сонли “Республикада олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан талабалар турар жойларини барпо этиш ишларини жадаллаштириш кўзда тутилган.

Мазкур қарорга асосан Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Кўқон филиали ҳудудида 400 ўринли талабалар турар жойини ташкил этиш бўйича хусусий ташаббускор “MALIK MULK GROUP” масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланган давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг ташаббуси тақдим этилган.

Лойиҳа ижтимоий-иқтисодий ва инфратузилмавий вазифани (олий таълим муассасалари учун талабалар турар жойини барпо этиш ва талабаларни ётоқ жой билан таъминлаш) ҳал этишга қаратилган.

Хусусий ташаббускор томонидан филиал талабаларига тўлиқ давлат шериги билан келишилган нарҳда ётоқ жой билан таъминлаш хизматларини кўрсатиш белгиланган.

Ташаббус қилинаётган лойиҳани амалга оширишга хусусий ташаббускорнинг молиявий ресурслари мавжудлиги, жамият раҳбарининг хизматлар кўрсатиш соҳасида тажрибага эга эканлиги ва бугунги кунда мазкур лойиҳа долзарб ижтимоий масалалардан



бири бўлганлиги сабабли лойиҳани амалга оширишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли қарорининг 11-банди

г)-кичик бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил

9 сентябрдаги “Республикада олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 563-сонли қарорининг 7-бандига асосан талабалар турар жойини барпо этишда бино ва иншоот умумий майдонининг 20 фоизидан ошмаган қисми қонунчиликда тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун хусусий шерикка мулк ҳуқуқи (ер майдони, умумий фойдаланишга мўлжалланган коммуникация қисмига эгалик ҳуқуқи бундан мустасно) асосида талабалар турар жойи фойдаланишга топширилган пайт ўтказиб берилади.

Талабалар турар жойини барпо этиш лойиҳаси тўлиқ хусусий шерикнинг ўз маблағлари ҳисобидан белгиланган шартлар асосида молиялаштирилади.

### III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Қўшимча маълумотлар		
1.	Лойиҳанинг ЛБХ/ТИА/ТИХҚ мавжудлиги: Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. <i>Лойиҳа бўйича ҳужжатлар илова қилинади</i>	
2.	Лойиҳа куйидагилардан бирига киритилган бўлса: Инвестиция дастури <input type="checkbox"/> Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори/ Вазирлар Маҳкамаси қарори <input checked="" type="checkbox"/> Бошқа <input type="checkbox"/> Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 563 сонли қарори.	
3.	Хусусий шерик лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>	
4.	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг: – давлат шериги бўлган Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Кўқон филиалининг ТТЖга эҳтиёжманд талабалари учун талабалар турар жойи хизматлари тақдим этилади. – турар жой учун тўлов миқдори давлат шериги томонидан тартибга солинади.	
5.	А) Капитал қўйилмалар ва	Б) Эксплуатация В) Умумий харажатлар



	бошқа харажатлар суммаси (2 303,7 минг АҚШ долларарида): <b>29 243,8 млн.сўм</b>	харажатлари миқдори (46,8 минг АҚШ долларарида): <b>595,4 млн.сўм</b>	(2 350,5 минг АҚШ долларарида): <b>29 839,2 млн.сўм</b> (15.05.2024 йил ҳолатига курс: 12694,87 сўм)			
	Г). ДХШнинг амал қилиш муддати: <b>18 йил</b> Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: 3-10 <input type="checkbox"/> 11-20 <input type="checkbox"/> 21-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>		Д) Лойиҳанинг амалга ошириш муддати: <b>1 йил</b> Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: <10 <input type="checkbox"/> 10-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>			
6.	Лойиҳанинг даромад манбасини келтиринг (белги қўйинг):					
	А) Фойдаланганлик учун тўлов <input checked="" type="checkbox"/> Эркин фойдаланилиши учун тўлов <input type="checkbox"/>					
	Фойдаланганлик учун тўлов/ Эркин фойдаланилиши учун тўлов Фойдаланганлик учун тўлов: 400 нафар талабаларга давлат шериги билан келишилган ҳолда белгиланган ойлик тўлов 340 минг сўмдан, йиллик даромад <b>1 360,0 млн.сўм.</b> (Базавий ҳисоблаш миқдори оширилганда ётоқхона учун тўлов миқдори мос равишда оширилиб борилади.) Эркин фойдаланиш учун тўлов: Вазирлар Маҳкамасининг 09.09.2021 йилдаги 563-сонли қарорининг 1 (в) - бандига асосан давлат шериги билан келишилган нархларда талабалар турар жойида яшаган ҳар бир талаба учун ДХШ тўғрисидаги битимда белгиланган муддат давомида бир йил учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари В) миқдорида яъни камида 400 нафар талаба учун 6800,0 минг сўмдан жами <b>2 720,0 млн.сўм</b> Давлат бюджетидан субсидия ажратилади.					
Даромадлар тақсимотини кўрсатинг: Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/> Қўшимча фойда тақсимоти <input type="checkbox"/>						
7.	ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг: А) Давлат ташаббускори: <input type="checkbox"/> Хусусий ташаббускор: <input checked="" type="checkbox"/>					
8.	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг					
	<b>Хавф ёки хатарлар турлари</b>	<b>Давлат шериги</b>	<b>Умумий</b>	<b>Хусусий шерик</b>	<b>Хатар тақсимоти асоси</b>	<b>Изоҳ</b>
	Лойиҳага тегишли хавф хатарлар			•		
	Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•		
	Яширин нуксон хавфи			•		
	Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар	•				

Молиявий хатар			•		
Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган)	•				
Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)			•		
Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар		•			
Лойиха шартномаси тузилганидан кейин лойихага киритилган ўзгартиришлар (давлат шериги тарафидан)	•				
Лойиханинг суғуртасига оид хатарлар			•		
Солиқ билан боғлиқ хатарлар			•		
Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар			•		
Лойиха шартномаси тузилганидан кейин лойихага киритилган ўзгартиришлар (хусусий шерик тарафидан).			•		
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойихага салбий таъсири хатарлари	•				
Лицензия гувоҳномалар берилиши кечикиши		•			
Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши	•				
Сиёсий беқарорлик хатарлари	•				



	Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар			•		
	Мулк конфискацияси	•				
	Операцион хатарлар			•		
	Экологик / ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•		
	Оператив фаолият билан боғлиқ хатарлар			•		
	Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар		•			
	Бошқа			•		
9.	Ҳар бир босқич учун тахминий / режалаштирилган санани кўрсатинг:					
		Сана			Сана	
	а) ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	2024 йил II – чорак	д)	Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш	2024 йил II – чорак	
	б) Лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш (Масалан: тендер ҳужжатлари)	2024 йил II – чорак	е)	Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш	Ғолиб аниқланган дан сўнг	
	в) Дастлабки малакани аниқлаш	2024 йил II – чорак	ё)	Молиявий яқунлаш	Битим кучга киргандан сўнг	
	г) Ғолибни саралаш	2024 йил II – чорак				
10.	<p>Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ:</p> <p>Жорий ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 09.09.2021 йилдаги 563-сон қарорнинг 1-банд «в» кичик бандига асосан хусусий шерикка талабалар турар жойи қурилиб фойдаланиш бошлангандан сўнг давлат шериги билан келишилган нархларда талабалар турар жойида яшаган ҳар бир талаба учун битимда белгиланган муддат давомида лойиҳа бўйича битта ётоқ ўрни ҳисобида бир йил учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида Давлат бюджетидан субсидия ажратилади.</p>					
11.	<p>Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқа бошқарув харажатлари киради.</p> <p>Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 27 200 млн. сўм сарфланади.</p>					

12.	<p>Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетидида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг:</p> <p><i>Талабалар турар жойларини барпо этишида хусусий инвесторларни маблағларини жалб этиши орқали Давлат бюджети юкени камайтириш шунингдек, барпо этиладиган талабалар турар жойларини бошқариш хусусий шерик зиммасига юклатилиши натижасида давлатнинг бажарадиган ишлари камаяди.</i></p>
13.	<p>Ташаббус қилинган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни / муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p><b>Иқтисодий самара:</b> 400 ўринли ТТЖ биносини ДХШ лойиҳаси асосида қуриш ва жиҳозлаш натижасида 27 200,0 млн. сўмга тенг давлат бюджети маблағларини тежаш имконини беради.</p> <p><b>Ижтимоий самара:</b> Бугунги кунда институтда қўшимча 400 ўринли талабалар турар жойига эҳтиёж мавжуд. ДХШ асосида янги қуриладиган ТТЖда 400 нафар талабалар ётоқ жойлар билан таъминланади.</p> <p><b>Инфратузилмавий самара:</b> Кўп қаватдан иборат бўлган ТТЖ биноси замонавий кўринишда, шаҳарсозлик нормаларига мувофиқ барпо этилади.</p>
14.	<p>Ташаббус қилинган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?          Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p>
15.	<p>Ташаббус қилинган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул мутанносиб нафни таъминлаб берадими?          Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p>
16.	<p>Ташаббус қилинган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?          Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:</p>
17.	<p>Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p>Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усмон Носир кўчаси 4 уйдаги Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали ҳудудида бўш турган 0,3 гектар ер майдониди ажратилади.</p>
18.	<p>а). Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?          Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.          Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</p>



	<p>б). Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?  Ха <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/>  Агар “Ха” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.  Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</p>	
19.	<p>Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқарида) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг:  Сув таъминоти объектларини қуриш <input type="checkbox"/>  Газ таъминоти объектларини қуриш <input type="checkbox"/>  Электр таъминоти қурилмаларига уланиш <input type="checkbox"/> Кириш йўллари <input type="checkbox"/>  Транспорт боғланиши <input type="checkbox"/>  Бошқа  Мазкур лойиҳа бўйича инфратузилмаларни яратиш ишлари, хусусан, сув таъминоти, газ таъминоти объектларини қуриш, электр таъминоти қурилмаларига уланиш, кириш йўлларини қуриш ва транспорт боғланишини таъминлаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади.</p>	
20.	<p>Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:  Хусусий шерик - “MALIK MULK GROUP” масъулияти чекланган жамияти;  Давлат шериги: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали</p>	
21	<p>Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менеджери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.</p>	
	Масъул этиб тайинланган шахс	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали
	Ф.И.Ш.	Хамедов Бахтиёр Валиевич
	Лавозими:	Ишлар бошқармаси бошлиғи
	Тел:	
	Электрон почта манзили:	<a href="mailto:ishlarboshqarmasi@tdtukokand.uz">ishlarboshqarmasi@tdtukokand.uz</a>

“Келишилди”  
Олий таълим, фан ва инновациялар  
вазирининг ўринбосари  
  
**С. М. Бузрукхонов**  
М.ў.

“Келишилди”  
Иқтисодиёт ва молия вазирининг  
ўринбосари  
  
М.ў.

“Кирилди”  
“MALIK MULK GROUP” МЧК раҳбари  
  
**М. Ғ. Абдумуталов**  
М.ў.